

## IX. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 191,2 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 96,9% ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 5461,9 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 100,7% кўпайди.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	134,1	99,0
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	134,1	99,0
Юк айланмаси, млн. тн-км	1380,6	97,7
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	1380,6	97,7

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 104,3% кўпайди ва 531,2 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 38,6% ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 36,6%).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-декабрда барча транспорт турлари томонидан 655,9 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,9% кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 102,4% кўпайиб, 16574,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2017 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, <i>млн. киши</i>	655,9	100,9
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	655,9	100,9
Йўловчи айланмаси, <i>млн. йўловчи-км</i>	16574,4	102,4
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	16574,4	102,4

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-декабрга нисбатан 101,9% кўпайди ва 14699,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 88,7% ташкил этди (2016 йил январь-декабрда 89,1%).